



Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

15  
(760)-son

13-aprel

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoшлаган

## Ким ғолиб бўлади?

ТАНЛОВ

Тошкент шаҳрида "Ўзбектелеком" АК-нинг республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтдаги филиалларида фаолият юритаётган кабелчилар ва электромонтёрлар ўртасидаги кўрик-танлов давом этмоқда.

Қатнашчилар танлов шарти — шахта, компрессигнал қурилмалари, станция қудуқларини меҳнат муҳофазаси ва эксплуатация талабларига келтириш борасидаги бор билим ва маҳоратларини "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг АТСларида намойиш этишади.

Шу ойнинг 19-санасида яқунланадиган ушбу тадбир 2007 йилнинг "Энг яхши кабелчи ва электромонтёрлари"ни аниқлаб беради.

## Энг сўнги янгилик!

АЛОҚА ОЛАМИДА

Яқин орада европалик ёшлар уяли алоқа хизматидан беғул фойдаланиш имконига эга бўладилар. Панъевропа мобил виртуал оператори Вйк ва Nokia Siemens Networks ўртасида тузилган битим бунга замин ҳозирлайди.

Вйкнинг миқозии бўлиш учун фойдаланувчи 16 ёшга тўлган ҳамда 24 ёшдан ошмаган бўлиши шарт. Фойдаланувчилар ҳеч қандай тўловни амалга оширмасдан телефонда сўзлашишлари ёки матнли хабарларни йўллашлари мумкин. Лойиҳа реклама ҳисобига молиялаштирилади: абонентларнинг телефонларига вақти-вақти билан реклама эълонлари келиб туради.

## Ушбу сонда:

КОМПЮТЕР  
ДАСТУРЧИЛАРИ  
ТАНЛОВИ



2-БЕТ ➔

ИМКОНияТЛАР ЭШИГИ



5-БЕТ ➔

ПРЕИМУЩЕСТВА  
ЦИФРОВОГО  
ТЕЛЕВИДЕНИЯ



6-БЕТ ➔

КОМПЮТЕР  
САВОДХОНЛИГИ



11-12-  
БЕТЛАР ➔

ОБУНА  
ДАВОМ ЭТАДИ



16-БЕТ ➔

## "Андижон Телеком" БИЛЛИНГ ХИЗМАТИ:

КУЛАЙ,  
СИФАТЛИ,  
ИШОНЧЛИ



### Тарихга назар

Телефон алоқаси турмушимизга кириб келганидан буён, усиз ҳаётимизни тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолганмиз. Лекин унинг нималар ҳисобига ишлаётгани, узлуксиз ишлаши учун кимлар қандай меҳнат қилаётгани тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Телефон ишламай қолсачи?! Дарҳол «08-га кўнғироқ қиламиз ёки АТСга келиб, мутахассисларга мурожаат қиламиз. Улар қарзлар тўлангандан сўнғ бир-икки кун ичида улаб қўйишларини айтишар, бу эса одатий ҳолга айланиб бўлган эди.


### Ўн йил аввал

Шаҳарлараро сўзлашувларни ҳисоблаш учун илгари 30 нафар оператор ишлаган, ҳарқалай шаҳарлараро

сўзлашувлар ҳажми шуни тақозо этган. Ишхоналар ва аҳоли телефонлари бўйича барча ҳисоб-китоблар кўлда бажарилган.

1996 йилда корхонамиз ҳаётига замонавий техникалар кириб келиши билан компьютер қурилмалари турли соҳаларда қўлланила бошланди. «Андижон Телеком» филиали тизимида "Компютер ҳисоблаш маркази" фаолияти йўлга қўйилди. Шу тариқа шаҳарлараро сўзлашувлар ҳажми тобора ортиб бораверди. Табиийки, оддий калкулятор билан ҳисоб-китобларни олиб бориш мушкуллаша бошлади. Бу эса ҳисоб ишларига янгиқа ёндашишни тақозо қиларди.

3-БЕТ ➔



— юқори тезликдаги уй Интернетни

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

✓ Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

✓ Ҳар йили 20 март куни бутун дунёда Франкофония, яъни француз тили байрами бўлиб ўтади. Бу йилги байрам республика-мизда ҳам кенг нишонланди.

Яқинда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида Франкофония байрамининг яқунловчи босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ёшларига француз тилини ўргатишда фидойилик ва жонбозлик кўрсатгани учун Андижон тиллар институтининг француз тили ўқитувчиси Ахмадали Мамадалиев Франция Республикаси “Палма япроғи” орденининг Кавалер даражасига, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги 1-лицейнинг француз тили ўқитувчилари Муҳаббат Асқарова ҳамда Шукржон Шомуротовалар эса “Академик Палма япроғи” орденининг Кавалер даражасига сазовор бўлишган эди. Тадбирда Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Жан-Бернар Арт ушбу орденларни ўқитувчиларга топширди.

✓ Жорий йилнинг 25 апрел — 6 май кунлари пойтахтимизда илк марта дунё опера ва балет усталарининг халқаро фестивали ўтказилди.

“Тошкент баҳори” деб ном олган ушбу халқаро фестивал Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ўзбектеатр” бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Тадбирга “Лукойл” концерни ҳомийлик қилади.

✓ Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Республика Хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотларининг “Меҳр” бирлашмаси ўзаро ҳамкорликда “Оммавий ахборот воситалари ва Гендер тенглиги” мавзусида анжуман ўтказди.

Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик тизимларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари мавзусини ёритишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2007 йил биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.



## Чорак яқунлари муҳокамаси

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисида 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2007 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларига бағишланган маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайти-

риш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

Йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳалар томонидан 172,14 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб ва хизматлар кўрсатилиб, 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 150,2 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 3,4 миллионга етгани ҳамда Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони бир миллион 745 мингтани ташкил қилгани таъкидлаб ўтилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги

қарорининг ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши танқидий нуктаи назардан таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришга доир масъулиятини ҳамда хорижий инвестициялар таркибиде тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суъратларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Шу билан бирга, ижро интизомини кучайтириш, Комплекс таркибидеги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини янада яхшилаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан курсатмалар берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



## Компютер дастурчилари танлови

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали ҳамда “Хоразм Телеком” филвали, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида мактаб, академик лицей ва коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида “Ёш дастурчилар” танлови ўтказилди.

Унда интилувчан ёшлар ўз истеъодларини намойён қилишди. Вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 70га яқин ёш компютер дастурчилари орасида Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Сафарбой Ботиров биринчи ўринни эгаллади. Қўшқўпир туманидаги 4-иқтисодлаштирилган мактаб ўқувчиси Азизбек Фуломов иккинчи, Дилмурод Рўзметов (УрДУ, 2-академик лицей) ҳамда Азамат Отажонов (Гурлан туманидаги 41-мактаб) учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Инновацион технологиялар дастурларини яхши ишлаб чиққанликлари учун қизлар ўртасида Дилноза Отажонова (Хонқа тумани аграрно-санъат коллежи) ва Муҳаббат Раҳмонова (УрДУ 2-академик лицей) рағбатлантирилди.

— Ёш дастурчилар компютер технологиялари соҳасининг ривожланиши учун асосий манба ҳисобланишади, — дейди ТАТУнинг Урганч филиали директори, профессор Аҳмадjon Юсупов. — Келгусида хоразмлик ёшлар ҳам компютер оламида ўз макври ва ўрнига эга бўлишади.

Танлов якунида совриндорларга тадбир ташкилотчиларининг қimmat-баҳо совгалари топширилди.

Дилшод ҚУРЯЗОВ,  
ТАТУ Урганч филиали IV босқич талабаси,  
“Келажак овози-2006” танлови голиби

## Амалий машғулотлар

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридеги Маънавият тарғибот марказида қатор вазирлик ва идоралар, шу жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари учун миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича ма-лака ошириш курси ўтказилди.

Миллий ғоя, маънавият ва маърифат тушунчаси, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш устуворлиги, маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш, нотиклик санъати, тарғибот ва тарғиботчилик маҳорати, ахборотларни етказиб беришда ҳолислик, маърузалар тайёрлаш ва оғзаки маъруза қилиш қондалари машғулотларда кенг ёритилди.

Машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати А.Тўхташев, Тошкент давлат маданият институти доцентни, филология фанлари номзоди Р.Жуманиёзов, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридеги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази етакчи мутахассиси А.Иброҳимов, сиёсий шарҳловчи Қ.Каримбеков, Маънавий-маърифий тарғибот бўлими ходими З.Ғафороваларнинг қизиқарли маърузалари, давра суҳбатлари, баҳс ва мунозаралар асосида ўтказилган амалий машғулотлар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Бердир ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси

ALOQA KORXONALARIDA

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**Дастлабки модел**

«Андижон Телеком» филиали раҳбарияти топиши билан ҳисоб-китобларни компютер орқали йўлга қўйиш учун бошқа жойлардаги дастурлар, вазиятлар ўрганилди ва корхона мутахассиси тайёрлаган дастур танлаб олинди. Мазкур дастур «DOS» вариантыда тайёрланган, бу иш вилоятда ҳисоб-китобни компютерлаштириш томон қўйилган илк қадамлар эди. Шундай бўлсада, ушбу дастур ҳам вақт ўтиши билан ўсаётган эҳтиёжни қондира олмаглиги кўри-ниб қолди.

**Изланиш**


Вақти келиб, Жанубий Кореянинг рақамли АТСлари ишга туширилди. Янги АТСлар шаҳарлараро сўзлашувларнинг янада ортишига сабаб бўлди. «DOS» дастури янада мукамалроғига алмаштириш зарурияти юзага келди. Компютер ҳисоблаш маркази мутахассислари олдида талаб-шартларни ўрганиш ва мукамал дастур яратиш бўйича вази-фалар қўйилди. Бир неча вариантлар ўрганиб чиқилган-дан кейин 2002 йилнинг иккинчи ярмида марказ мутахассис-ларига махсус дастур тузиш вази-фаси топирилди.

**Ва ниҳоят!**

2003 йил март ойида бил-линг дастури ишга туширилди. Дастлаб биллинг дастури орқали Андижон шаҳар мижоз-лари ва шаҳарлараро сўзлашув-ларни ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди. Кейин барча туманлар қамраб олина бошланди. Ҳозирги вақтда биллинг ти-зиммида шаҳарлараро сўзла-шувлар, вилоят бўйича ойлик ми-жоз тўловлари, марказий «07», «08» ва «09» хизматлари, телефон алоқасининг барча қўшимча хизматлари ҳисоб-китоб қилинмоқда. Умуман олганда, биллинг дастури ишлаётгандан буён телефон алоқасига оид барча ҳисоб-китоблар автоматик ра-вишда амалга ошириляптир.

**Тўлов карталари**

Филиалнинг Андижон ва Асака шаҳарларидаги АТСлар мижозлари янги — 2007 йил-дан байрам совғаси сифатида замонавий алоқа хизматлари-дан бири бўлган тўлов карта-ларидан фойдаланиш имкони-ятига эга бўлдилар. Тўлов картаси ёрдамида мустақил равишда ёки Компю-тер ҳисоблаш маркази опера-тори орқали мижознинг шах-сий варақаси маблағлар бил-лан тўлдирилади. Уни фаол-лаштиришда Андижон шаҳар телефон тармоқлари мижоз-лари учун ягона махсус теле-фон рақамлари ажратилган: тармоқ ичида — 066, бошқа вилоятда туриб фаоллашти-ришга — 8 374 2301111. Бу шуни билдирадиги, шаҳар теле-коммуникация хизматлари-



**“Андижон Телеком” БИЛЛИНГ ХИЗМАТИ: ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ, ИШОНЧЛИ**

ни кўрсатиш бўйича шартнома тузган мижозлар тўлов карта-ларини бемалол сотиб олиш-лари ва юқоридаги рақамлар орқали уларни бегул фаолла-штиришлари мумкин.

Тўлов картасини фаолла-штириш учун куйидаги амаллар бажарилади:

- карточканинг орқа томо-нидаги (расмга қаранг) химоя қатлами ўчирилади;
- 066 ёки 2301111 телефон рақамлари терилади;
- механик овоз «Сиз «Анди-жон Телеком» филиали кар-точка тизимига уландингиз, ке-ракли телефон рақамини те-риб, юлдузча (\*) тугмачасини босинг», кейин эса «Тўлов кар-тасининг серия ва пин-код ра-қамларини териб, юлдузча (\*) тугмачасини босинг» дейди. Охирида механик овоз «Сиз тўловни амалга оширдингиз, ҳисобингизга уч (беш, ўн, ўн беш) минг сўм тушди. Компю-терга телефонни улаш учун бўйруқ берилди. Сизга хизмат қилганимиздан мамнунмиз!» деб жараёнга яқун ясайди.

Бу билан барча кўрсатма-лар тўғри бажарилганда, яъни тўлов пулининг ҳисобга туши-ши қарзларни қолдаса, ўчи-рилган телефон автоматик ра-вишда уланиши таъминлана-ди. Алоҳида қайд этиш керак-ки, тўлов картасини фаолла-штириш жараёнини бошқа теле-фондан ёки қарздорлик учун ўчирилган телефоннинг ўзидан ҳам амалга ошириш имкони мавжуд.

Мижозларга қулай бўлиши учун тўлов карталари 3, 5, 10 ва 15 минг сўмлик номинал-ларда чиқарилмоқда.

Эслатиш жоизки, тўлов карта-лари қалбакилаштиришдан ишончли муҳофазаланган. Уларни ишлаб чиқаришда мах-сус полиграфик технологиялар қўлланилади. Бундан ташқари, тўлов картасини фаоллашти-



риш маълум муддатгача бел-гиланади ҳамда қайтариш ва алмаштириш мумкин эмас. Ун-дан такроран фойдаланишнинг ҳам иложи йўқ.

**Тизимда биринчи!**

«Андижон Телеком» фили-алида биллинг тизими ва унинг таркибий қисми сифатида анъ-анавий хизмат турлари учун тўлов карталаридан фойдала-нишнинг йўлга қўйилиши «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги кор-хоналар ичида илк бор яқинга етди. Филиалнинг Компютер ҳисоблаш маркази мутахас-сислари биллинг тизимини йўлга қўйиш бўйича бошқа жойлардан бўлган мурожаат-ларга ҳам жон диллари билан кўмаклашмоқдалар.

**Рақамлар сўзлаганда**

Маркетинг бўлимининг ҳисоботидан: «Жорий йилнинг икки ойи мобайнида филиал бўйича жами 13146,0 минг сўмлик 2481 дона тўлов кар-талари сотилиб, фаоллашти-рилган карталар 13079,0 минг сўм, сони эса 2328тага етди ва бу рақамлар кундан-кунга ўсиб бормоқда. Тўлов карта-ларининг афзалликларидан яна бири — мижозлар томо-нидан аванс тизимига ўтиш-ликдаги муаммоларни ҳам ҳал этиш имкониятларини бер-моқда. Мижозларнинг ортиқ-ча вақти, йўлга сарфлайдиган харажатлари барҳам топди. Бу тўлов тизимининг афзаллик-лари ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Тўлов карталарининг қулай-ликларини ва фойдали жиҳат-ларини тажрибада кўриб, Наврўз байрами арафасида филиалнинг Андижон, Булоқ-боши, Избоскан ва Шаҳрихон

**КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА**

Жорий йилнинг 10 апрел куни Ўзбекистон Республи-каси Радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Бутунжаҳон радиоалоқа конференция-си (БРК-07)га Тайёрлов йи-ғилишининг иш якунлари ва мазкур конференцияга тай-ёрларик масаласи муҳока-ма қилинди. Конференция-га Тайёрлов йиғилишининг ишлари давомида Радио-алоқа Ассамблеяси (2007 йил 15-19 октябр)дан сўнг 2007 йил 22 октябрдан 16 ноябрга қадар Женева шаҳ-рида бўлиб ўтадиган БРК-07га тақдим этилувчи Тай-ёрлов йиғилиши ҳисоботи-нинг якуний кўриниши тай-ёрланганлиги таъкидланди.

Ажратилган радиочасто-та полсаларида маълумот-ларни узатиш тармоғига симсиз радиоулоқаси таж-риба эксплуатацияси, шу-нингдек, «TETRA» стандар-тидаги тренинг алоқа таж-риба эксплуатацияси нати-жалари тўғрисидаги ахбор-рот тингланди.

Йиғилишда янги алоқа хизматларини кўрсатиш имкониятини яратиш мақ-садига мобил алоқа тар-моқларини кенгайтириш учун радиочастота полса-ларини ажратиш бўйича масала кўриб чиқилди. Шу-нингдек, юридик шахслар-нинг ички эҳтиёжлари ва сотув учун республика худ-удига радиоэлектрон воси-таларни олиб кириш ҳамда фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида радиочастота спектрини самарали ва унумли фой-даланиш борасида қатор масалалар муҳокама эти-либ, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**uForum МУЛОҚОТТА ЧОРЛАЙДИ**

Ўзбекистон алоқа ва ах-боротлаштириш агентлиги ра-ҳбарлари қалиди ўтказил-ган Тошкент шаҳридаги соҳа корхона ва ташкилот-лари касаба уюшмалари кўмиталари фаоллари йи-ғилишида қатнашчилар компютер ва ахборот техно-логияларини ривожлан-тириш ва жорий этиш мар-кази — UZINFOCOMнинг ақинда янгиланган ресур-си — uForum имкониятлари билан таништирилди.

uForum уч тизим — UZINFOCOM маркази, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон радиотех-ника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти форумларини ўзаро бир-лаштиришдан сўнг респу-бликамизда ахборот-комму-никация технологияларини жорий этиш ва ривожлан-тириш борасидаги асосий ма-салаларни янада кенгроқ аудитория орасида мунта-зам равишда муҳокама қилиб бориш имконияти пайдо бўлди. Демак, форум соҳа ривожини, умуман, мам-лакатимиз тараққиётига бе-фарқ бўлмаган барчани вир-туал «жонли суҳбат»га чор-лаши, шубҳасиз,

Ўз мухбиримиз

**ТАХРИРИЯТДАН:** Газетани саҳифалаш жараёнида Андижон вилоятдаги мухбиримиз Раҳмонжон УЗОҚОВ кўнгирок қилиб, мазкур вилоятнинг барча туман марказларидаги АТСлар мижозларини тўлов картаси тизимига улаш ва синов ишлари ниҳоясига етганли-гини маълум қилди.

**Раҳмонжон УЗОҚОВ,**  
**«Хабар»нинг Андижон**  
**вилотидаги мухбири**

● XALQARO HAYOT

● POCHTA FAOLIYATIDAN

### НАТО: БЎЛАЖАК АЪЗОЛАРГА МИЛЛИОНЛАР

АҚШ президенти Жорж Буш Украина, Грузия, Хорватия, Македония ва Албанияни НАТОга киришини қувватловчи қонунни тасдиқлаб имзо чекди.

Ушбу қонун аввалроқ АҚШ Конгресси Сенати ва Вакиллар палатаси томонидан маъқулланган эди. Мазкур ҳужжатда юқоридаги беш давлатга уларнинг армиясини НАТО стандартларига мослаштириш учун катта миқдорда молиявий ёрдам берилиши кўзда тутилган. АР хабарига кўра, жорий йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 12 миллион доллар сарфланади.

Қонун лойиҳаси "Озодликнинг йўналиши ҳақида 2007 йилги акт" деб номланган. Янги аъзоларнинг НАТОга 2009 йили қабул қилиниши режалаштирилган.



### ИНТЕРВЬЮ БЕРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Буюк Британия ҳарбийларига маълум бир маблағ эвазига оммавий ахборот воситаларига интервью бериш расман тақиқланди.

Бирлашган Киrollикнинг Эрондан қайтиб келган 15 нафар денгизчиси ОАВга интервьюлар бериб, катта миқдорда маблағ ишлаб олишгандан сўнг мамлакат мудофаа вазири ушбу қарорни қабул қилди.

Гап шундаки, денгизчилар Эронда тутқунликда эканлигида Буюк Британияда уларга нисбатан қўпол муносабатда бўлинадигани ҳақидаги хабарлар тарқатилган эди. Денгизчилар эса ўзи интервьюларида бу маълумотларни рад этганлар. Бу аҳоли орасида норозилик кайфиятини уйғотган.



### ТОМОША ҚИЛИНГ, ҚАЛБАКИ МАҲСУЛОТЛАР

Германиянинг Золинген шаҳрида дунёда биринчи бор қалбаки маҳсулотлар музейи очилди.

Экспозициядан "Armani" номи билан чиқаётган жинси (20 доллар), "Gucci" номи остидаги кўзойнақлар (10 доллар) оригиналлари тортилади.

Айтишларича, қалбаки маҳсулотлар музейини очиб таниқли немис дизайнери Рид Буссода бундан ўттиз йил аввал - у Франкфуртдаги ярмаркага борганида турилган эди. Ушанда унинг эътиборини Гонконгга ишлаб чиқарилган почта аравачалари тортгани. Аравачалардан бири Буссонинг ўзи ушбу ярмаркадан бир неча йил аввал иxtиро қилган ва патент олган аравачанинг аниқ нусхаси эди. Шундан буюн у бу каби қалбаки маҳсулотларни тўплаб музей ташкил этиш ва шу орқали кўчирмачилар билан курашишни дилига тугиб қўйганди.

### ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАРИ

Economist Intelligence Unit агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотда Норвегия пойтахти Осло шаҳри 2006 йилда сайёрамизнинг энг қиммат шаҳри деб топилди. Ундан кейинги ўринларни Париж, Копенгаген ва Лондон эгаллади.

Агентлик дунё мамлакатларидаги ҳаёт кечириш баҳосини белгилашда Нью-Йорк шаҳрини мезон қилиб олди. Ослонинг биринчи ўринни эгаллашига сабаб - бу шаҳарда яшаш Нью-Йоркка нисбатан 32 фоиз қиммат бўлганидир.

Европа Иттифоқининг янги аъзолари бўлган Шарқий Европа давлатларида ҳам анча ўсиш кузатилган. Масалан, 132 давлат баҳслаган рўйхатда Прага 55-ўринни, Варшава 63 ва Будапешт 92-погонани эгаллаган. София эса 111-ўрин билан ЕИнинг энг арзон шаҳри номини олган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги вакили - Россия пойтахти Москва қимматлик борасида ҳам Нью-Йоркдан бир поғона ўзиб ўтган. Унга 26-ўрин насиб этди.



### БИЛЛ ГЕЙТС УЧМОҚЧИ

Дунёнинг энг бой кишиси, Microsoft корпорацияси бошлиги Билл Гейтс Халқаро космик станцияда сайёҳ сифатида фаола парвоз қилмоқчи.

Бу ҳақда яқин дамда орбитада бўлган Гейтснинг собиқ сафоши Чарлз Симон маълум қилган. Унинг хабарини фазогирлар ерга етказишган.

Интернет материаллари асосида Устонжон ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

Агар хат дилни дилга боғласа, совға солинган жўнатма ва кутиладиган пул қайсидир маънода кўнгилни хушнуд қилади. Хабарчининг хонадонга таширифи, айниқса, аскар ўғлидан хат кутаётган оилага мисоли байрам кайфиятини улашади.

Ўтган йили вилоят бўйича 900 мингдан зиёд хат жўнатмалари ўз манзилига етказилди. Демак, шунча минг оила оқ қоғозга битилган дилномалардан баҳраманд бўлди. Кимгадир "кичик" хизматдай туюлган бу ҳиммат ортида эзгулик офтоби ярқираб турибди. Келган хат-хабар сабаб тасана, дўсту биродар кўнгли таскин топди. Оиладаги тинч-товуқлик дарахти озикланди.

Компютер ва бошқа алоқа воситаларини харид қилиш учун иш олиб бораёلمиз. Қабул қилинадиган қарор ва фармонлар ижроси доимий диққат-эътиборимизда турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қаро-

# Тотувлик дарахти

188та алоқа бўлимини компютерлаштириш, 50та шундай шахобча биносини замонавийлаштириш белги-ланган.

Филиалимиз жамоаси кўпни кўрган ва самарали меҳнатдан сўнг пенсияга чиққан пиру давлат кишилар хизматида бўлаётгани билан ҳам фахрланишга ҳақли. Чунки, уларнинг дуосини олишда катта ҳикмат бор. Жойлардаги алоқа бўлимларининг ходимлари буни англаб етган ҳолда кексалар ҳурматини жойига қўйишга ҳаркат қилишяпти. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлар доимий диққат-эътиборимизда. Бу жараён орқали нафақат пенсионерлар эҳтиёжи ўз вақтида қондирилмоқда, балки ноанъанавий хизмат турларини йўлга қўйишга эришилмоқда. Жамоамиз айнан шу хизмат эвазига қариб 313 миллион сўм даромад олишга муваффақ бўлди.

Электрон пул жўнатмаларини йўлга қўйиш давр талабига айланиб бораёпти. Бевосита "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ амалий ёрдами билан Термиз шаҳри ҳамда Денов туман почта алоқаси тармоқларида мазкур хизматни йўлга қўйишга эришди. Бу хайрли ишни бошқа туманларда ҳам давом эттирмоқдамиз. Шу билан бирга, Узун ва Сарийосиё почта алоқаси тармоқлари биноси замонавий усулда таъмирдан чиқарилди. Ҳозир ҳар иккала тармоқ амалиёт залида рақамли телефон хизмати жорий этилган. Қумқўрган почта алоқаси тармоғининг амалиёт залида интернет, электрон ва гибрид почта хизматларини ҳамда Термиз шаҳридаги 6-алоқа бўлимида интернет-кафе хизмати йўлга қўйиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг лицензияси

рени ба-жариш мақсадида эътиборга лойиқ ишлар қилинди. 2006 йил мобайнида филиал маъмурияти ва барча почта алоқаси тармоқлари ходимлари пластик карточкалар билан тўлиқ таъминланди. Айни пайтда барча туманлардаги тармоқларда, Термиз почта алоқаси тармоғининг Термиз-6, Термиз-8, Учқизил почта алоқа тармоғининг эса Мангузар ва "Намуна-1" алоқа бўлимида — жами 21 шахобчада пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш учун терминаллар ўрнатилди. Бу шахобчаларда назорат-касса машиналари ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010 йилгача почта алоқа шахобчаларини замонавийлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорини фаолиятимиздаги муҳим воқеа бўлди. 2005-2006 йиллар давомида 130та алоқа бўлими биноси бевосита ҳокимликларнинг қарорлари асосида филиал балансига бепул олинди. Бунинг эвазига 118 миллион сўмлик маблағни тежаб қолишга эришдик. Мавжуд 226 алоқа бўлимининг 217таси телефонлаштирилди. Лекин уларнинг 108таси қишлоқ ва автомат телефон станцияларига уланган бўлиб, электр энергияси таъминотидаги узилишлар сабаб доимий ишлаши таъминланганича йўқ. Бу муаммони ҳал этиш чора-

тадбирлари ҳам кўриляпти. Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсата бошлаган "Ўзбектелеком мобайл" филиалининг "ACCES-TI" станционатор терминал алоқа воситаси қишлоқ алоқа бўлимида сифатли алоқани таъминлаш имконини беради, деб умид қиламиз. Бундан ташқари, "Ўзбектелеком мобайл" билан 50та телефон абонентини лизинг асосида олиб ишлатиш учун шартнома туздик. 188та алоқа бўлимини компютерлаштириш, жорий йилда 50та шундай шахобча биносини замонавийлаштириш ҳамда алоқа бўлимидаги бошлиқларини уяли алоқа воситаси билан тўлиқ таъминлаш режаси белгилаб олинган. Кўп йилдан бери самарали хизмат қилиб келаётган, интизоми ва ҳуқуқи билан бошқаларга намуна бўлаётган хабарчиларни велосипед билан таъминлаш давом эттириляпти.

Ҳозирги кунда филиалимизда мингга яқин ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг касбий малакасини ошириб беришга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Ўтган йили шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари операторларидан

46 нафари Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежиди малака ошириб қайтишди. Филиал раҳбар ходимларидан бир гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳмиат қурилиши академияси Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув марказида ва Республика Фуқаро муҳофазаси институтида таҳсил олишди.

Жамоамизда ёш кадрлар билан шўғулланиш ҳам яхши йўлга қўйилган. 2006 йили Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчиларидан тўрт нафари мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди. ТАТУ талабаси Жаҳонгир Чориев, Термиз алоқаси университети талабалари — Шарофиддин Юсупов, Фанишер Воҳидов, Асрор Эгамуродовлар филиал ҳомилийида ўқишмоқда. Шўрчи почта алоқаси тармоғининг Бахшитапа алоқа бўлими бошлиғи Ҳўсан Саидов ва филиал оператори Чори Хайитовлар амалиётдан ажралмаган ҳолда шу даргоҳнинг сиртки бўлимини битириш арасида туришибди. Яқинда вилоят почта алоқаси соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёж атрофича ўрганиб чиқилди. Унга кўра, бу йил ҳам ёшларни сафимизга жалб этиш учун Тошкент ахборот технологиялари университетига талабномалар юбордик.

Ҳодимларимиз Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ташкил этиладиган хайрия тадбирларида ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Муҳиддин МАМАТҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Сурхондарё филиали  
директори

### УЛУГЛАР ХАЗИНАСИДАН

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омондорлик ва ифбат.

Абул Ҳасан СИРИЙ



QAROR VA IJRO

Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори кутубхоналар тизимида ўзгаришлар даврини бошлаб берибгина қолмай, улар олдига масъулиятли вазибаларни қўймоқда. Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори, вилоят ахборот-кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш масъул котиби Клара ДҲСЕРОВА билан уюштирган суҳбатимиз мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида бўлди.

— Қарорга кўра, — дейди Клара Нормуминова, — аввало, маданият ва спорт ишлари бошқармаси балансида бўлган 455та кутубхонадан биттаси, яъни Сайидо Насафий номидagi вилоят илмий-универсал кутубхонаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси балансида, 395та кутубхона вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси, болаларга хизмат килувчи 42та кутубхона вилоят халқ таълими бошқармаси, 17та кутубхона эса мавжуд учта олий ўқув юрти балансида берилди.

Вилоятимизда ахборот-кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш тузилган. Кенгаш раиси — вилоятимиз ҳокими Нуриддин Зайниев қарорнинг ижроси билан мунтазам равишда шу-

# Имкониятлар эшиги

ғулланиб, навбатдаги амалга ошириладиган ишларни назорат қилиб боради. Ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига услубий ёрдам кўрсатиш вилоят ахборот-кутубхона маркази зиммасига юкланган.

Марказларнинг ҳозирги вазибалари, ҳуқуқлари, молиявий фаолияти аввалгидан тубдан фарқ қилади. Тегишли бошқармалар балансида ўтказилгандан сўнг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг адабиётлар жамғармаси махсус гуруҳ ва мутахассислар томонидан замонавий талаблар-

ни эътиборга олган ҳолда таҳлил қилиб чиқилди. Соҳа ҳодимлари меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида танловдан ўтказилди. Сараланган мутахассислар махсус режа бўйича компьютер савдонлигини оширдилар. Хусусан, вилоят ахборот-кутубхона марказининг 30 нафар ходими ТАТУнинг Қарши филиалида махсус ўқув режа асосида компьютердан сабоқ олдилар. Марказлар "ZyоNET" ахборот тармоғига уланган.

— Амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси қандай бўлади?



римишга, хоригга узатиш имконлари тугилади. Эндиликда кутубхоналаримиз жаҳондаги энг нуфузли кутубхоналар билан беллаша олади.

Замон шиддати эски тартибдаги кутубхоналарга ўз-ўзидан барҳам бераётир. Бу тармоқларнинг биноларини таъмирлаш, адабиёт жамғар-

маларини бойитиш, компьютерлаштириш масалалари вилоят ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгашга таъсия этилган.

— "Ҳозир одамлар китоб ўқимай қўйди", деган гаплар юради. Китоб хизмати билан боғлиқ мутахассис сифатида шу фикрга муносабатингиз қандай?

— Уч юз мингдан ортиқ адабиёт нусхаси, 60 йиллик матбуот архиви, 29300 нафардан ортиқ китобхона (Берилган китоблар сони 592917) бўлган кутубхонамизга вақтли матбуот нашрлари обунаси ва янги адабиётлар олиш учун ҳар йили катта миқдорда маблағлар ажратилади. Ҳар қандай даврда ҳам одамлар китоб ўқишдан тўхтамайди. Китобхоналаримиз ичида етмишдан ўтган отахонлар, беш ёшли болажонларнинг борлиги бунинг исботидир. Менинг фикримча, ўзи китоб ўқимаган одамнинг "Ҳозир одамлар китоб ўқимай қўйди", деган мантқиқсиз фикрларни ёяди.

— Китобхоналар ва фойдаланувчилар сонини янада оширишда кутубхоначиларнинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Ходимларда сидқилди ва тезкор хизмат, етук салоҳият жам бўлсагина китобхона яна кутубхонага интилади. Ўтказилган тадбирлар сифати баланд бўлса, жамғармалар янги адабиётлар билан тез-тез бойитиб турилса, одамларнинг китоб ўқишга бўлган муҳаббати янада ошади.

Афтондил ИСМОИЛОВ суҳбатлашди

## Мавзу доирасида

Яқинда ушбу вилоят ахборот-кутубхона марказида БМТ болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги нақлаётхонаси томонидан «Оилавий таълим дастури: илк болалик даврида ривожланиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингда Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Қашқадарё вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ва туман шифохоналаридан маълумли шифокорлар тақлиф этилиб, ҳиммалар аёллар ва болаларда учрайдиган касалликлар, бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш, репродуктив саломатлик масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

## NISHONDORLARIMIZ

# Она дуоси

Носирхон бугун ҳар кунгидан барвақт уйғонди. Охишта туриб, болалар ётган хона эшиги тирқишидан назар ташлади. Улар ширин уйқуда, энгил пишиллаб нафас олаётганларини кўриб, майингина кулиб қўйди. Юз-қўлини ювиб, ҳовлига чиқди. Ҳовли чиннидек қилиб супуриб-сидирилган. Кўча эшиги олдида сув тўла пақир турарди. Болаларнинг онаси кўчани супуряпти, деган хаёлга борди. Кўчадан кириб келган умр йўлдоши унга салом берди-ю, пақирни кўтариб яна ортига йўналди. Зум ўтмай, супурилган жойга сепилаётган сув товуши эшитилди. Ҳовлига қайтиб кирган рафиқаси пақирни остонанинг олдида олиб бориб қўйди-ю, унга юзланди:

— Ҳа, бугун ҳар кунгидан ҳам барвақт турибсизми дадаси? Вақт эрта, бироз дам олавермайсизми? Кеча ҳам кеч келган эдингиз...

— Эй онаси, «Барвақт турганга худо беради» деган гап бор. — деди ҳазиломуз Носирхон, — Ҳавони қара, ухлаб бўладими? Онамиз турдиларми?

— Аллақачон уйғонганлар, чой дамлаб берай десам, ўғлим турса бирга ичамиз, дедилар. Кираве-ринг, дастурхон ёзиғлиқ.

Носирхон ҳовлининг тепа қисмидаги мўъжазгина, аллақандай файзи бор уй томон юрди. Остонадан хатлабоқ, «Ассалому алайкум ая, яхши ётиб турдингизми?» дея волидан мухтарамаси томон йўналди. Онаизорининг юзларига табассум, кўзларига меҳр иниб, томirlари бўртли чикқан, қадоқлари ҳамон кетмаган кўллари фарзандига узатиб, пешонасидан ўпиб қўйди. Яратгандан узоқ умр, сихат-саломатлик,

ишларига ривож тилаб дуо қилди.

Келин кириб, чойни қайтариб узатди. Биргалашиб нонушта қилишди. Анча суҳбатлашишди. Бу орада болалар ҳам уйғониб, буви-ларининг қошига кирдилар. Дуоларини олиб, дастурхон атрофига терилишди. Носирхон соатига кўз қирини ташлаб, онасига қаради. Иш вақти яқинлашганини сезган она фарзандини дуо қилиб, ишга кузатди.

Келин умр йўлдошини одатдагидек ишга кузатиб қўйган, қайта чой дамлаб кирди. Болалар чугур-чугур қилишиб, бувилари билан суҳбатлашишарди. Негадир, келиннинг бу сафар уларга завқи келди.

— Вой ая-ей, феълингизга ҳайрон бўлиб ўтирибман. Кап-катта ўғлингизни ҳам шу ёш болалардек эркалаб, авайлаб-асрайсиз-а. Ўғлингизнинг сочларига оқ тушганига қанча бўлди-ю.

— Сочига оқ тушган бўлса ҳам мен учун бола, келин. Сиз нимани билар эдингиз. Илоҳим,



— Ўғлим Носирхон ота меҳрини кўролмади, келин, — дея охишта сўз бошлади она. — Икки ёшлигида етим қолган. Ўзингизга маълум, катталари қиз, раҳматли қайнотангиз гўдак ўғлини қўйгани жой тополмас эди. Чирогимни ёқадигани бор деб, боши осмонда эди. Уруш азобларини кўриб келган чолим тирик қолганимга шукур, дея тинмай меҳнат қиларди. Аммо умрлари қисқа эканим, омонатини эрта топширдим. Мен фарзандларимга ҳам ота, ҳам она меҳрини бердим. Уша пайтлари жуда қийналдик. Худога шукур, ўғлим яхши бола бўлиб воёга етди, ўқиди. Раҳматли дадасининг фазилатлари унга кўчган. Ризқини меҳнатдан деб билади, элнинг дуосини олиб юрибди. Ахир ҳукумат «Шуҳрат» медалини ҳаммага ҳам беравермайди-ку?! Барчаси меҳнат туйфали. Сочларига оқ тушди, ҳалиям ёш боладек эркалатасиз, дейсиз. Сизга болангиз қандай бўлса, менга ҳам Носиржоним ана шундай ёш бола...

Боламни асраган, шунда мени асраган бўласиз. Кўнглига қаранг, дуосини оласиз, келин!.. Биз ҳикоя қилаётган инсон — Носирхон Деҳқон Бешариқ тумани телекоммуникациялар боғламаси раҳбари.

У 1972 йили мактабни битириб, Тошкент алоқа техникумига ўқишга кирди. Уша пайтларда телефон алоқасига эҳтиж катталиги,

айниқса, бу қишлоқ жойларида муаммога айлангани сабабиданми, алоқачилик касбини эгаллашни ният қилган эди. Техникумда яхши ўқиди, қийинчиликлар бўлишига қарамасдан, ҳаммасига чидади. Тошкентда ўқиётганидан онаизорининг қувончи чексизлиги, гурурланиши, қўни-қўшниларга мақтаниб қўйиши Носирхоннинг ўқишга бўлган қизиқшини оширар, онасининг қувончига қувонч қўшишга интилар эди.

1974 йили техникумни тугатиб, Бешариқ тумани телекоммуникациялар боғламасига электромеханик вазифасига ишга келди. Назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлади. Одамшинавандалиги, меҳнатсеварлиги билан жамоа ўртасида хурматга сазовор бўлди. Уни туман телекоммуникациялар боғламаси раҳбарлигига тайинлашганда ҳам ушбу жиҳатлар эътиборга олинди.

Носирхон ишга жиҳдий киришди. Боғламани замонавий алоқа усқуналари билан таъминлаш, тармоқни кенгайтириш, туманнинг узоқ жойларига ҳам алоқа хизматини олиб бориш масаласига эътиборни қаратди. Илмини, тажрибасини, меҳнатини аямади. Натижанда бугунга келиб, мазкур жамоа тармоқда илгор жамоа сифатида хурматга эришди.

Носирхоннинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди.

Медални тақиб, онаси ҳузурига келганда, волида мухтарамасининг кўзларида қувонч ёшлари пайдо бўлди. Ўғлининг камолидан бошлари осмонга етди ва узоқ дуо қилди. Назаримизда, бу юксак муқофот фарзандини эл қаторига қўшган онахон меҳнатларининг шуҳрати эди...

Абдуманнон АҲМЕДОВ, Қўқон телекоммуникациялар боғламаси ходими

### Ҳикмат

Ёмғир билан ер кўқарар,  
Дуо билан эл кўқарар.



болала-рингиз ҳам оталаридек катта бўлишин, сизнинг феълингизни ўшанда кўраман. Жўнатинг мактабига болаларни. Дангасалиққа ўргатманг.

Келин болаларни мактабига жўнатиб, дастурхонни йиғиштиргани кирганида кекса она уни ёнига ўтиришга имо қилди. Пиёладаги чойни бир ҳўплаб олиб, аллақандай сирни ошкор қиладигандек ўйга толди.

**Телевизионное вещание в аналоговых системах стандартов PAL, SECAM и NTSC ведется в диапазонах метровых и дециметровых волн около 30 лет. Во всем мире широко развиты сети телевизионного вещания, обеспечивающие доставку телевизионных программ потребителям.**

Одновременно происходило совершенствование аппаратно-студийных средств, а развитие в последние годы цифровой техники позволило создать и внедрить в практику формирования и обработки видео-аудио сигналов цифровые и компьютерные технологии, значительно повышающие качество телевизионных программ и расширяющие технические возможности их создания.

Однако, существующие сети, ориентированные на передачу аналоговых сигналов, не позволяют реализовать в полной мере возможности, которые открываются при использовании цифровых технологий как при производстве ТВ-программ, так и при представлении новых видов услуг потребителям. Когда проведенные исследования показали принципиальную возможность передачи цифровых телевизионных сигналов по существующим аналоговым каналам и трактам, был открыт ряд национальных и международных исследовательских проектов, с целью разработки систем наземного цифрового ТВ вещания (НЦТВ), как альтернативы аналоговым системам.

По сравнению с аналоговыми ТВ-сетями НЦТВ обладает следующими преимуществами:

- возможность одновременного увеличения количества программ, передаваемых в сети вещания;
- повышение качества передачи изображения и звукового сопровождения;
- использование более низких, по сравнению с аналоговыми системами, мощностей передачи;
- гибкость при планировании сетей, позволяющая варьировать параметры системы и достигать требуемого качества передачи;
- увеличенные количества дополнительных услуг, предоставляемых пользователям, требуемой зоны охвата территории;
- возможность качественного приема на мобильные и переносные приемники;
- возможность организации как национальных, так и региональных или локальных одночастотных сетей;
- эффективность использования ресурса частотного спектра за счет передачи мультимплексированных цифровых потоков данных, а также организации одночастотных сетей;
- более низкая стоимость внедрения, по сравнению с другими системами цифровой передачи (спутниковыми и кабельными), за счет возможностей: для операторов сетей использования существующей инфраструктуры аналоговых ТВ сетей; для зрителей — за счет использования существующих антенных систем;
3

## I. Компьютер тарихи.

Компьютер сўзининг маъноси «ҳисобловчи» деган маънони билдиради. Компьютер атамаси XX асрнинг ўрталарида кириб келган. Ҳозирги замонавий компьютерларнинг ишлаш тамойили 1942 йилда инглиз математиги Нейман томонидан яратилган. Айни пайтда асосан PENTIUM компьютерларида Office ва бошқа дастурлар юритилмоқда. PENTIUM деб аталишига сабаб, бундай компьютерлар рус олими Пентюков томонидан яратилган.

Ҳозирги замонавий компьютерлар асосан 3 қисмдан иборат:

1. **Процессор ёки системный блок.**
2. **Монитор ёки дисплей.**
3. **Клавиатура ва «сичқонча».**

Процессор – компьютернинг асосий қисмидир. Процессорда 3 хил хотира жойлашган.

1. **ОЗУ** — тезкор хотира (оперативно-запоминающее устройство)
2. **HDD** — доимий хотира (Hard Disk Drive)
3. **Видео хотира** — хотира тасвирга жавоб беради.

**Принтер** — мониторда тайёрланган маълумотларни қоғозга чоп қилувчи ускуна.

**Монитор** — қилаётган ишларимизни экранда кўриб туриш имконини беради.

Энг оммалашган дастурлар булар — MS-DOS, NORTON ва Windows. Биз ушбу ўқув қўлланмаси ёрдамида ҳозирги кунда энг кўп қўлланилиб келинаётган WindowsXP, Office (Word, Excel), Paint дастурларини ўрганишга киришамиз.

**Word** — инглиз тилидан олинган бўлиб, "Сўз" деган маънони билдиради ва бу дастур ёрдамида турли хил матнлар ёзилади.


**Excel** — электрон жадваллар билан ишловчи дастурдир. Бу дастур ёрдамида асосан ҳисоб – китоб ва жадваллар билан боғлиқ ишлар юритилади.

2

2. Ойнадан «Удалить» буйруғини танлаб, «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босамиз.

«Удалить» қилинган файлни қайтариб олиш зарур бўлса, «Рабочий стол»дан «Корзина» белгисини очиб, ундаги биз учун қайтариш зарур бўлган файлни устига курсорни қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босамиз, шунда кичик ойна чиқади.


Шундан сўнг «Восстановить» буйруғини амалга оширамиз, натижада файлимиз қаердан «Удалить» қилинган бўлса, яна ўша жойда пайдо бўлади.



## Файл ва папкалардан нусха кўчириш («Копировать»)

**Файлдан нусха кўчириш (масалан, «Азиз» деб номланган папканинг ичидаги файлларни «Нодир» деб номланган папкага кўчириш учун):**

1. «Азиз» папканинг устида «сичқонча»нинг чап тугмачасини 2 марта босамиз ва у очилади. Сўнгра папканинг ичига кириб, файлни устига «сичқонча»ни қўйиб, ўнг тугмачасини 1 марта босганимизда, қуйидаги кичик ойна чиқади.



7

**ESC** — буйруқларни бекор қилиш учун ишлатилади.  
**F1 — F12** — функционал клавишлар бўлиб, улар асосан NORTON дастурида турли буйруқларни бериш учун ишлатилади.

**Print Screen SysRq** — экрандаги ойнани сақлаб қолади.

**1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0** — сонларни ёзиш учун мослашган.

**Caps Lock** — ҳарфларни катта ва кичик кўринишларда ёзиш имконини беради.

**Enter** — ахборотни киритиш учун мослашган.

**Backspace** ёки < курсорнинг чап томонидаги ҳарфларни ўчириш учун фойдаланилади.

— стрелкалар ёрдамида курсор мос ҳолатда хоҳлаган томонга олиб борилади.

**Home, End** — курсорни қатор бошига ёки охирига тезда олиб ўтади.

**Page Up**  
**Page Down** — ёзаётган саҳифамизни юқоридан пастга ёки пастдан юқорига ўтказиш учун фойдаланилади.


**Delete** — курсорнинг ўнг томонидаги ҳарфларни ўчириш учун фойдаланилади.

**Num Lock** — клавиатуранинг ўнг томонидаги қўшимча клавишлардан фойдаланиш мақсадида ёқиш ёки ўчириш учун ишлатилади.

## Компьютерда компакт дискларни (CD) кўйиш

Компьютерда компакт дискларни (CD) кўйиш учун:

1. Дискни «CD-ROM»га қўямиз.
2. «Рабочий стол» ойнасидаги «Мой компьютер»га стрелкани олиб бориб, 2 марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босамиз.
3. Натижада қуйидаги «Мой компьютер» ойнаси очилади.



4

4. CD учун қайси белги ажратилган бўлса, ўша дискнинг (масалан, CD-RW дисковод F:) устига курсорни олиб бориб, «сичқонча»нинг чап тугмачасини 2 марта босамиз.

5. Кейин CDнинг ичидаги маълумотлар солинган папкалар рўйхати экранга чиқади. «Клип»лар солинган (MPEGAV) папканинг устига «сичқонча»нинг чап тугмачасини 2 марта босганимизда, клиплар жойлашган ойна чиқади ва клипни қўйиш учун клип белгиси устига «сичқонча»нинг чап тугмачасини яна 2 марта босамиз. Натижада экранда клип намоёиш этила бошланади.

6. Тасвирни катталаштириш учун клип ойнасининг «Вид» бўлимига кириб, «Во весь экран»ни босамиз ёки клавиатурадаги "Alt" ва "Enter" тугмачалари бирданга босилади.

7. Клип ёки ашула эшитиб туриб ҳам бошқа ишларни бажаришимиз, масалан: ёзиш, чизиш, ҳисоблаш мумкин.


## Файллар ва папкаларни яратиш

**Файл** — бу компьютер хотирасидаги ахборотдир.

**Папка** — компьютер хотирасида файлларни тартибга солиш учун яратилади.

**«Файллар» ва «Папкалар» яратиш учун:**

1. «Рабочий стол»нинг бўш жойига курсорни олиб бориб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини 1 марта босамиз.
2. Кичик ойна чиқади, сўнг «Создать» буйруғи орқали «Текстовый документ» босилади ва ном берилади. Натижада «Файл» яратилади. «Папка» яратишда ҳам худди «Файл» яратиш каби ишлар қилинади, фарқи эса «Текстовый документ» эмас, балки «Папка» белгиси босилади ва ном берилади.



5



## JAHON POCHTASI

### Асосий фаолият

(Охири. Бошланиши газетанинг 13, 14-сонларида.)

Янги Зеландия — хат жўнатиш, шунга мувофиқ тарзда хат-хабар етказиш тармоғи ўсиши ҳамон кузатилаётган камдан-кам мамлакатлардан бири. Миллий почта хизмати йилига 23 саралаш маркази орқали тахминан миллиардга яқин хатни 265та етказиш марказига жўнатида, у ердан 724965 манзил — аҳоли ва корпоратив ташкилотларга хатлар тарқатилади. Ҳафта-нинг олти кунини 2200 почта ходими 1,5 миллион оила ва ташкилотга хатларни еткази-



## Янги Зеландия почтаси

### Фуқаролар ва тадбиркорларни бирлаштириш йўлида

ди. Шунингдек, қишлоқлардаги 200 000та почта қутисига ҳам хатлар ўз вақтида бориб тушади. Бу иш Янги Зеландия почтаси билан шартнома асосида ишловчи почтачилар — хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилади. Ҳар йили мамлакат бўйлаб 30 миллиондан ортиқ жўнатма ва пакетлар манзилга етказилишида почтачилар билан бирга курерлар ҳам иштирок этишади. Корпоративлаштиришдан сўнг New Zealand Post қишлоқлардаги 540 тадбиркор билан 600та йўналиш бўйича почтани етказишга доир шартнома тузди. Бу инсонлар почта ходимлари эмас, улар почта жўнатмаларидан ташқари бошқа махсулот ва молларни ҳам етказишади.

1995 йили мамлакатда рўйхатга олинган қишлоқ почта манзиллари сони 100 мингта эди, бугунга келиб бу кўрсаткич икки бараварга кўпайди. Шаҳарлар атрофидаги аҳоли масканларида яшовчилар сони ҳам тобора кўпайиб борапти, бу ўз навбатида, қишлоқ тадбиркорларининг "масофадан ютган" ҳолда янада кўпроқ мижозларга хизмат кўрсатишларига замин бўлди. Умуман олганда, янги Зеландиялик қишлоқ почтачиси кунига ўртача 23 километр масофани босиб ўтади ва 191 000 манзилга хатларни етказида.


Мамлакат курерлик хизматлари бозорида ҳам почта катта улушга эга. New Zealand Postнинг курерлик тармоғига қарашли автожамланма ҳайдовчилари (юк машинаси — 585та, енгил машина — 47та) йилига 3 миллионга яқин жўнатмани

турли манзилларга элтиб беради.

Жўнатмаларни етказиш суръатини янада ошириш мақсадида Янги Зеландия почтаси "Кизил чипталар" дастурини ишлаб чиқди. Компаниянинг веб-сайтидан харид қилинган чипталарнинг нархига мутаносиб равишда жўнатмалар белгиланган муддатда манзилга етказилади. Онлайн-буяртмада кўрсатилган манзил бўйича курер жўнатмани олиб кетади.

ошади — уларнинг 240таси шанба кунлари ҳам, 40таси эса дам олиш кунларисиз ишлайди. Банк хизмат доирасига кирувчи йўналишлардан бири — турли тўловларни қабул қилишдир. Бу хизмат жуда ҳам оммалашган, чунки почта бўлимларининг кенг тармоғи мижозлар учун қулай жойларда бўлиб, бу ерда бир йўла ҳам коммунал тўловларни тўлаш, ҳам бошқа банклардан олинган кредитлар бўйича маблағларни ўтказиш мумкин. Шу ва бошқа йўналишдаги банк фаолияти (хусусий ва корпоратив мижозлар учун ҳисоб-рақамлар очиб, кредит бериш, шу жумладан ипотекага оид ва ҳ.к.) "Кивибанк"ка анчагина даромад келтирмоқда. Масалан, ўтган 2006 йилнинг июл ойидаги ҳисоб-китоблар банкнинг охириги 12 ой мобайнида 15,8 миллион янги Зеландия доллари микдорида соф фойда олганлигини кўрсатди. Бу борада "Ситибанк" билан тузилган битим ҳам муҳим аҳамият касб этди, энди "Кивибанк" ўз мижозларига кенг қўламдаги халқаро хизматларни ҳам тақдим этмоқда. Айниқса, бизнес-мижозларга қулай бўлди, чунки почта банки уларнинг пулларини хорижга ўтказиш, шунингдек, чет эл валютасида ҳисоб-рақамлари очиб билан ҳам шуғулланади.

### Почта-банк



Киви — Янги Зеландия рамзига айланган. Дунёнинг бошқа ҳеч бир юртида учрамайдиган бу қушни маҳаллий аҳоли жуда ардоқлайди. 2002 йили почта томонидан ташкил этилган банкка айнан шу қушнинг номи қўйилгани ҳам бежизга эмас. Дастлаб аксарият постшопплар ва Books & More франчайзинг бўлимларида "Кивибанк"нинг бўлимлари очилди. "Кивибанк"нинг ташкил этилиши почта хизматлари ва молиявий хизматларнинг тобора уйғунлашиб бораётганлиги билан изоҳланади.

"Кивибанк" — Океания минтақасидаги энг гуркираб ривожланётган банклардан бири, десак асло муболага бўлмайди. Тўрт йиллик фаолияти давомида банк 300000дан ортиқ мижозларни жалб этишга улгурди. Ҳозирги кунда унинг мамлакатдаги бўлимлари сони 300дан

юк машинаси — 585та, енгил машина — 47та) йилига 3 миллионга яқин жўнатмани турли манзилларга элтиб беради.

Гувоҳ бўлдикки, Янги Зеландияда почта аҳоли ва турли соҳа вакилларига хизмат кўрсатиш, бир қатор янги лойиҳаларни йўлга қўйиш орқали муваффақиятга эришиб, мамлакат иқтисодий-ётигининг асосий бўғинларидан бирига айланиб борапти.

Собит АҲАДОВ  
тайёрлади

## Маънавият ва маърифат ўқуви

Бухоро вилояти корхона ва ташкилотларида маънавий-маърифий ишларни давр талаблари даражасида олиб боришда, ёшларимизни турли ёт мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юрtdошларимизнинг кундалик ҳаётга онгли муносабатини шакллантиришда муайян тажриба тўпланган.

"Бухоро Телеком" филиали жамоаси иштирокчида ўтказилган навбатдаги ўқув машғулоти "Миллий ғоя ва маънавият" мавзусига бағишланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Бухоро шахар ҳокимлиги маънавият ва тарғибот бўлими раҳбари Рўзимурод Маҳмудов Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш, уни ғоявий чиниқтириш, истиқлол мафкурасини, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини одамлар онги ва қалбига сингдириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини замонавий усулларда олиб бориш соҳасида туб бурилиш даврини бошлаб берганини таъкидлади. Бухоро шаҳрида мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар билан машғулот қатнашчиларини атрофлича таништирди.

Ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётнинг турли мавзулари бўйича ўтказилаётган бундай ўқувлар филиалнинг барча ходимларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Асқар ИСТАМОВ,  
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири



## яримфиналда!

Доимий изланишлар, жонқурлик, дадил ҳаракатлар ҳар қандай жамоани ғалаба сари етаклаши, шубҳасиз. 2007 йил феврал-март ойларида Фарғона вилояти олий ўқув юртлири талабалари орасида ўтказилган "Қувноқлар ва Зукколар" беллашувида 1-ўринни кўлга киритган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг "TATU" жамоаси республика 5-тур саралаш босқичида қатнашди.

4 апрел кунини ўзМУ "Маданият саройи"да Тошкент Ислон университетининг "Таваккал" жамоаси, Тошкент автомобил йўллар институтининг "Экспресс", Тошкент архитектура-қурилиш институтининг "Auto Cad", Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг "Марокандлик божалар", Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг "TATU" жамоалари орасида қизгин беллашув бўлиб ўтди. Муҳташам бинонинг ёрқин чироклари, муҳлислар табассуми барча иштирокчиларга қувонч ва яхши қайфият бағишлаб турди.

Жамоалар ушбу "Қувноқлар ва Зукколар" мусобақасида учта шарт бўйича беллашдилар. "TATU" жамоаси биринчи шартда бироз ҳаяжонга берилгандек кўринди. Лекин қатъийлик, олдинга қўйилган мақсад жамоа аъзоларини омад сари етаклаб турарди. Иккинчи шартда жамоа бор иқтидорини кўрсатди. Учинчи асосий шарт ("Масъулияти чекланган баҳо")да "TATU" яна ўз маҳоратини кўрсатиб, илдамликни кўлга киритди. Муҳлислар олқиши ва ҳақамлар томонидан қўйилган баҳо "TATU" жамоасини яримфиналга олиб чиқди.

Беллашувдан сўнг Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор С.Қосимов ташаббуси билан фарғоналик талабаларнинг Тошкент шаҳри билан танишишлари ва диққатга сазовор жойларни томоша қилишлари учун алоҳида автобус ажратиб берилди. Жамоа биринчи бўлиб TATUнинг электрон кутубхонаси билан танишди. Шундан сўнг Муствақиллик майдони, Амир Темури хиббони ва музейи, "Халқлар дўстлиги" майдони ва бошқа диққатга сазовор жойларга борилди. Ёшларда, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган "Хотира майдони" катта таассурот қолдирди. Ўзбекистондаги энг баланд бино бўлмиш Тошкент телеминорасига чиққан талабалар пойтахтнинг бутун чиройини томоша қилдилар.

Жамоа аъзолари ўзлари учун янги дўст ва ўртоқлар орттирдилар. "Қамолот" ЁИХ томонидан ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар барча ёшларни бирлаштиришига ишончимиз комил.

Тошкентдан ғалаба билан қайтган жамоа бугунги кунда кейинги босқич беллашувларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Уларга омад тилаймиз!

Қ.САМИНЖОНОВ,  
TATU Фарғона филиали  
"Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилоты етакчиси



FOYDALI MASLAHATLAR

**Эркақдир, аёлдир бош қазғоғидан фориг бўлишни истайди, ундан қутулиш чораларини излайди. Бош қазғоғи алоҳида касаллик саналмайди. У тери ва соч толаларининг ҳаддан ташқари ёғ босиши туфайли пайдо бўлади.**

# Қазғоқдан қутулиш мумкинми?

Теримизда мавжуд бўлган кўз илғамас (микроскопик) замбуруғлар тери ёғига жуда ўч бўлишади. Бу ёғ бор жойда улар жуда тез кўпаяди. Замбуруғларнинг кўпайиши оқибатида қазғоқлар пайдо бўла бошлайди.

Қазғоқнинг пайдо бўлиш механизми жуда оддий — тери ёғи қанча кўп бўлса, қазғоқлар ҳам шунча кўп бўлади. Бунинг олдидан олишнинг назарий жиҳатдан икки йўли мавжуд: ё ёғ ишлаб чиқарилишини ёки замбуруғлар сонини камайтириш керак.

Биринчи йўл анча радикал ҳисоблана-да, амалда уни қўллаш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Теридаги ёғ эркақлар гармони — андрогенларнинг таъсиридан пайдо бўлади. Уларнинг миқдорини камайтириш мумкин. Бироқ бунинг натижасида эндокрин тизимида қазғоқдан кўра хавфлироқ ўзгариш

содир бўлади. Бу йўл билан қазғоқдан қутулиб, эркақлик қувватидан маҳрум бўлиш ҳеч гап эмас.

Замбуруғларни камайтириш осонроқ, Бунинг учун қатор фаол моддалардан фойдаланиш мумкин. Лекин вақт ўтиши билан теридидаги ёғнинг таъсирида бошда "оқ момиклар" яна пайдо бўла бошлайди. Бошини қазғоқ босган одамлар буни жуда яхши билишади: шампун аввалига ёрдам беради, лекин кейинчалик "оқ момик" яна ўзини кўрсата бошлайди.

Қазғоқдан буткул қутулиб бўлмайди. Аммо вақт-бевақт уни "қайчилаб" туриш мумкин ва зарур. Уни даволашнинг моҳияти ҳам шундан иборат. Мутахассислар даво жараёнини икки босқичга ажратадилар. Биринчи босқичда қазғоққа қарши шампун ва бошқа воситалардан фойдаланилади. Иккинчи босқичда

замбуруғлар миқдорини назорат қилиш билан кифояланилади. Шу мақсадда ҳафтасига 1-2, баъзан эса ундан камроқ муддатда бош шампун билан ювилади. Косметик шампунлардан мунтазам сурутда фойдаланиш яхши самара беради.

Дерматологлар таркибида руҳ пиритионати, сульфид селена ва клотирмазол мавжуд бўлган воситаларни кўпроқ тавсия этадилар. Бу қўшилмаларни кенг омдалашган барча қазғоққа қарши воситаларда учратиш мумкин. Масалан, клотирмазол "Низорал" дори-шампун таркибида, руҳ пиритионат "Хед энд шолдерс", "Пантин про-ви", "Фридерм цинк", "Низорал" дори-шампун таркибига киритилган. "Скин-кап" шампунини ва гели таркибида руҳ притионати кўпроқ миқдорда учрайди. Шу боис, ушбу препаратлар дори сифатида тасдиқдан ўтказилган.

Сульфид селена "Сулсен" шампунини ва "Сулсен" совунни таркибида мавжуд.

Қазғоққа бепарво бўлмаслик керак. Гап бу ерда фақат эстетик мулоҳазалардагина эмас. Биринчидан, қазғоқнинг кўпайиб бориши натижасида бошнинг сочили қисмида яллиғланиш пайдо бўлиши мумкин. Бундай шароитда косметик шампунлар кучсизлик қилади. Сезиларли натижага эришиш учун шампун, гел, эритма шаклидаги дорилардан фойдаланилади. Қазғоқни бевосита шифокор даволамоғи лозим. Бундан ташқари, қазғоқдан соч тўкилиши ҳам мумкин. Башарти сочдан айрилишни истамасангиз қазғоққа, тери ва сочининг ёғ босимида қарши фаол курашмоқни маслаҳат берамиз.



## Хандалар

**Чичиконинг оёғини машина босиб кетди.** Ғазабланган Чичико ҳайдовчига қичқирди:  
— Икки миллион олиб келасан, бўлмаса каматаман!  
— Икки миллионни каердан топаман? Менда бунча пул йўқ.  
— Менда ҳам саккизта оёқ йўқ! Топасан!  
\*\*\*  
Парижлик банк хўжайини машҳур рассомдан албомига расм чизиб беришини сўради. Рассом илтимосни бажарди ва буортмачи миллион сўм бериши кераклигини айтди.  
— Нима? — ҳайратланди хўжайин. — Сиз уни бор-йўғи беш дақиқада чиздингиз-ку!  
— Тўппа-тўғри, — жавоб берди рассом. — Лекин беш дақиқада чизишни ўрганиш учун ўттиз йил сарфлаганман.  
\*\*\*  
Фотограф туғруқчо-нага келди.  
— Ўғил кўрдингиз, деди врач ва кўшимча қилди, — аммо у қопқора.  
— Ҳм, ёруғлики кўпроқ бериб юборибман-да.

## GINNESS REKORDLARI

**ҚУРУҚЛИКДАН ЭНГ УЗОҚ ЖОЙ.** Бу нуқта Тинч океанида — 47°30' жанубий кенлик, 120° ғарбий узунликда бўлиб, Питкэрн, Пётр I ва Дюси оролларида 2575 километр масофада жойлашган.

**ДУНЁ ОКЕАНИНИНГ ЭНГ ЖАНУБИЙ НУҚТАСИ** Жанубий кутдан бор-йўғи 320 километр узоқликда, Скотт музигига (87° ж.к., 151° ғ.у.) туташиб туради.


**ЭНГ ТИНИҚ ДЕНГИЗНИ** голланд тадқиқотчилари аниқлашган. 1986 йили Антарктида қирғоқларида (71° ж.к., 15° ғ.у.) Уэддел денгизи чуқурлигини ўлчаш ишларини олиб бориш чоғида улар 30 сантиметр диаметрли диск 80 метр пастда ҳам кўринишига ғувоҳ бўлишган.

**ЭНГ ЧУҚУР УММОН** Тинч океани ҳисобланади. 1995 йили японларнинг Мариана ботияга ташланган Каико зонди 11022 метрлик белгини қайд этган.

**ЭНГ СОВУҚ ВА ИССИҚ.** Сув ҳарорати Оқ денгизда -2° С гача пассийиши, Форс кўрфази саёзликларида эса, аксинча, ёзда 36°С гача кўтарилиши кузатилади.

**ЕР МАРКАЗИДАН ЭНГ УЗОҚ ЧҶҚКИ** Жанубий Америка мамлакати — Эквадор ҳудудига жойлашган. Экватордан 158 километр жанубдаги бу ҳудудда Анд тоғлари чўққиси —

Чимбораса (6267 метр) булуғлар билан бўйлашиб туради. Чимбораса сайёрамизнинг энг баланд чўққиси ҳисобланган.



**ДЕНГИЗ САТҲИДАН ЭНГ БАЛАНД ТОҒ.** 1856 йили Ҳиндистон ҳукумати топогеодезия хизмати Тибет ва Непал чегарасидаги шарқий Ҳимолойнинг XV чўққиси (Жомолунгма)ни энг баланд чўққи эканлигини аниқлади. Баландлиги 8848 метр бўлган бу улкан чўққи инглиз полковниги шарафига Эверест деб ҳам аталади.

**ЭНГ ЙИРИК ТОҒ ТИЗИМИ** Ҳималай-Қорақурум тоғлари ҳисобланади. Улар таркибидаги 14 чўққининг ҳар бири 8000 метрдан баланд.

**ЭНГ УЗУН ТОҒ ТИЗИМИ** — Жанубий Америкадаги 7600 километрга чўзилган Анд тоғлари.

**УЗОҚНИ КҶРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.** Исландиянинг 2119 метр баландликка эга Ватнайёкюдл тоғини 550 километр узоқликдаги Фарер оролларидаан туриб ҳам кўрса бўлади. Бунда ёруғлиқнинг синиш эффекти муҳим рол ўйнайди.

**ДЕНГИЗ САТҲИДАН ЭНГ ПАСТ ЖОЙ** Исроил ҳудудидоги Улик денгиз соҳиллари ҳисобланади (400 метр). Улик денгизнинг энг чуқур жойи 728 метрни ташкил этади.

**ЭНГ ҚИСҚА ДАРЁЛАРНИ** АҚШнинг Монтана (Роу-Ривер) ва Орегон (Ди-Ривер) штатларида учратиш мумкин. Миссури дарёсига қўйиладиган Роу-Ривер ирмоқларидан бирининг узунлиги бор-йўғи 17,7 метр. Девилз қўлини Тинч океан билан туташтириб турувчи Ди-Ривер дарёсининг умумий узунлиги эса 371,5 метрдир.

## SPORT

## БЕЛБОҒИ БОР БОТИРЛАР

Шу кунларда Термиз шаҳридаги Алломиш ўйингоҳида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VIII Халқаро турнир ҳамда қизлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Катта спорт байрамига тараддуд кунлари Алломиш ўйингоҳида бўлиб, бундан ўн икки йил илгари хис-ҳаяжонга тўла дақиқаларни эсладик. Юртимиз узра истиклол нафаси уфура бошлаган ўша давларда ўйингоҳни тўлдирдиш бўлган мўхлислар ўзлигимизга қайта-ётганимиздан, азалий қадриятларимиз тикланиб бораётганидан беҳад хурсанд эдилар.

Тасмилга кўра, беллашувини бекасам тўн кўйган бўлажақ полвонлар ҳамда давра кўрган фахрийлар бошлаб беришди. Шу тарзда навбат кураш бўйича биринчи халқаро турнир қатнашчиларига берилди. Улар Президент соврини соҳиби бўлиш учун бор куч ва маҳоратларини ишга солишди. Беллашувларда сурхондарёлик оғир вазндаги полвон Урол Тўраевага тенг келади-гани топилмади. Кейинги турнирларда Рустам Эргашев, Таштемир Муҳаммадиев, Эрали Махмарасулов, Абдулла Тангриевлар бирин-кетин мутлақ чемпионлик шохсупасидан ўрин эгаллаш бошлашди.

Давлатимиз раҳбари, Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мўжассамлашган"лиги йил сайин кўзга ташланиб бормоқда. Ўзбек курашининг довруғи кураш заминимиз бўйлаб охнарабодек таралмоқда.

Алломиш ўйингоҳидаги гиламда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан кел-

ган спорт усталари ўзaro куч синашишди. Грузиялик Хохлашвили, туркиялик Селим Татар ўғли, бразилиялик Карлос Хонарато каби полвонлар спорт соҳасидаги бебахор санъатлари билан миллий кураш мўхлислари қалбидан чуқур жой олишди. Россия, Полша, Эстония, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Жанубий Африка ва Афғонистон мамлакатларининг вакиллари ўз юртларида ҳам ўзбек кураши ихлосмандлари кўпчилигини намойиш этишга ҳаракат қилишди. Улар қашқадарёлик Баҳром Авазов, бухоролик Ақобир Қурбонов, сурхондарёлик Давлат Чориев, хоразмлик Олимжон Собиров каби таниқли полвонлар билан басма-бас курашилди...

Бу йилги VIII халқаро турнир ҳам юртимиз ботирлари учун чинакам кўриқка айланади. Улар буни дилдан ҳис этган ҳолда кураш гиламига тушишди. Полвонлар орасида ангорлик Маҳмудовлар оиласининг икки аъзоси ҳам бор. Худойберди оға бу гал ўғлонлари — Равшанбек ва Арслонбекка мўхлислик қилади.

— Акам Маҳтумқули Маҳмудов изидан бориб, биринчи марта халқаро турнирда қатнашганимиз, — дейди Равшанбек полвон. — Мен 81 килограмм, укам Арслонбек эса 60 килограмм вазнда баҳр олиб борамиз. Ният катта — насиб этса курашда бўш келмаймиз.

Бу галги Термиз учрашуви ўзининг муҳим бир жиҳати билан ажралиб туради. Қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати ҳам халқаро турнир билан бир вақтда ўтади. Музрабодлик Урозохл Шербоева, бойсуник Беғам Бойимвалар қатори жаркўрғонлик Насиба Бўриева ҳам биринчилик учун беллашди.



— Яқинда Англияда ўтказилган ўзбек кураши бўйича Ислам Каримов турнирида иштирок этиб қайтдим, — дейди Насиба таассуротлари билан ўртоқлашар экан, — хорижликлар бизни жуда яхши кутиб олишди. Мусобақада англиялик ва қорақалпоғистонлик рақибларим билан беллашдим. Турнирнинг фахрли иккинчи ўрни менга насиб этди. Давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграётганда қорақалпоғистонлик ҳамюртим билан чуқур ҳаяжонга тушдик. Беихтиёр кўзларимизда кувонч ёшлари пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, спорт Ватанимиз дунёга танитади. Шунинг учун ҳам юртимизда спорт билан шуғулланадиганлар учун замонавий иншоотлар эшиги очиб қўйилган. Шу ўринда Пахлавон Маҳмуд ёзган рубоийдаги:

**Олам фили қайтаролмас журъатимиз,  
Чархдан зўрроқ қудратимиз — шавкатимиз.**

деган мисралар ёдимизга келадию, кўнглимизда ўзига хос ифтихор ҳисси жўш уради. Илоҳим, юртимиз полвонлари боғлаган белбоғ ботирликка пай-вазари ҳолда маҳкам бўлсин!

**Нортожи ЗИЕЕВ,  
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири**

## ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

Осиёда гуруҳ баҳслари давом этаётган бир пайтда Европада яримфиналчилар номи маълум бўлди.

Осиё чемпионлар лигасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари гуруҳ баҳсларининг учинчи турида муваффақиятсизликка учрашди.

**"Пахтакор" (Ўзбекистон) — "Ал-Хилол" (Саудия Арабистони) — 0:2.**  
**"Ал-Саад" (Қатар) — "Нефтчи" (Ўзбекистон) — 2:0.**

**Европа чемпионлар лигаси қоракфинал жавоб ўйинлари:**

**«МЮ» (Англия) — «Рома» (Италия) — 7:1** (Биринчи учрашув — 1:2).

**«Валенсия» (Испания) — «Челси» (Англия) — 1:2** (Биринчи учрашув — 1:1).

**"Ливерпул" (Англия) — ПСВ (Голландия) — 1:0** (Биринчи учрашув — 3:0).

**"Бавария" (Германия) — "Милан" (Италия) — 0:2** (Биринчи учрашув — 2:2).

Яримфиналда "Челси" — "Ливерпул" ва "МЮ" — "Милан" ўзарo баҳс олиб боради. Биринчи учрашувлар 24-25 апрел, жавоб ўйинлари — 1-2 май кунлари ўтказилади.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази жамоаси марказ бошлигининг биринчи ўринбосари Холиқ Соатовга укаси

### БАҲОДИРнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



## "ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ" КЎЧМА КУБОК СОҲИБИ

Газетамизнинг ўтган сонида Чирчиқ Олимпия заҳралари коллежининг ёпиқ менежида мини-футбол бўйича «Ўзбектелеком» АК кўчма кубоги учун турнир ўтказилаётгани ҳақида маълум қилган эдик.

Мусобақада "Ўзбектелеком" АК бошқарув аппарати ва унинг филиаллари ҳамда "Ўзбектелеком Интернетшл МЧЖ" жамоалари иштирок этишди. Шиддатли баҳслардан сўнг ярим финалга қадар қуйидаги жамоалар етиб келишди ва кубок учун курашини давом эттиришди:

**"Қорақалпоқ Телеком" — "ШАК" — 4:1**

**"Тошкент Телеком" — "Наманган Телеком" — 3:2**

3-ўрин учун

**"Наманган Телеком" — "ШАК" — 10:2**

Финал

**"Тошкент Телеком" — "Қорақалпоқ Телеком" — 4:1**

Шундай қилиб, барча рақибларини доғда қолдирган "Тошкент Телеком" филиали жамоаси «Ўзбектелеком» АК кўчма кубоги соҳибига айланди.

# Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КЎЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲИМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КЎБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХЎЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

### Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирчи фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

### Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўғрилик-лигига тахрирчи жавобгар эмас.

Рақам ва даллларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

353-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табақ,  
Адади: 9584 нусха.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Матн терувчи: Дюлфуза МАТҚЎРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

● SIZ KUTGAN UCHRASHUV



**Дилбора НИЁЗОВА:**

*Вафот газети-  
сизга айтишимиз!  
Дилбора Ниязова*

# Юртим деб, халқим деб қўйлайман

Қўшиқ шундай бир мўъжизаки, у инсонлар шодлигида ҳам, ташвишли онларида ҳам қалбларга таскин беради. Айниқса, хонанданинг дилдан куйлаган хониши ҳар қандай кўнгилни обод айлаши, шубҳасиз. Инсонлар дардини куйга солиб, янги-янги дилтортар қўшиқлари билан мухлислари қалбини забт этаётган истеъдодли хонанда Дилбора НИЁЗОВАнинг ижодини мана шундай дея эътироф этишимиз мумкин.

— Дастлаб санъат оламига катта иштиёқ билан кириб келдингиз. Негадир кейинги пайтда бу ғайрат сизда кўринмапти?

— Нега энди, ҳозир ҳам ижод қиляман. Балки, санъатга кириб келган ilk онларим, дилдимдаги озуим ушалгани учун жўшқин дарё мисол ҳайқириб тошган бўлсам керак. Тўғри, ўша пайтда «Ишонма» қўшиғимни куйлаганимда кўпчилик ижодимга қизиқиб қолди, янги ижоднамуналаримни кутди. Бундай эътибордан илҳомланиб, янги-янги қўшиқларимни мухлислар эътиборига ҳавола қилдим.

— Сизни машҳур қилиб, кўпчиликка танитган «Ишонма» қўшиғингиз назаримда аввал ҳам қайсидир хонанда тарафидан куйланган?

— Тўғри, бу қўшиқ мандан аввал хо-

размлик Отажон исмли хонанда томонидан ижро этилган. Бу қўшиқни куйлашим тарихи ҳақида қисқача айтадиган бўлсам, аввал отам билан ишлаб «Юртим деб қўйлайман», «Бевафо дунё» каби қўшиқлар ёзганмиз. Кейин ишлари кўпайиб отам менга кўп вақт ажратолмай қолди. Шундан сўнг Тохир ака Эргашевнинг олдига ёрдам сўраб бордим. У киши рози бўлди ва менга бир қўшиқни бериб, «Шуни эшитиб кўринг, агар маъқул келса куйларсиз», деди. Қўшиқни эшитдим, лекин у менга ёқмади. Шунда Тохир ака «Бир куйлаб кўринг, кейин менга раҳмат айтасиз», деди. Мен қўшиқнинг сўзларини ўзгартириб, аёл тилига мослаштирдим ва ижро этдим. Тохир ака адашмаган экан, ҳақиқатда ҳам хурсанд бўлдим. Боиси, шу қўшиқ мени машҳур қилди. Қўшиқларимни дискга ёзаётганда «Ишон-

ма» композициясининг Отабек талқинидаги ижросини кўчирганмиз.

— Илк саҳнага чиққан пайтингизни эслай olasизми?

— Албатта, 2000 йил биринчи марта Мустақиллик байрамида «Юртим деб, халқим деб қўйлайман» қўшиғим билан катта саҳнага чиққанман. Ўшанда чин дилдан йиғлаб куйлаганман. Бу менинг ҳаётимдаги энг бахтли онларим эди.

— Қандай пайтда сизга илҳом келади?

— Сиклсам. Инсон куйса куйлайди, деганларидек. Шўх қўшиқларимни ҳам, мунгли қўшиқларимни ҳам айнан ана шундай кайфиятда яратганман.

— Овозингизни кўпинча Юлдуз Усмоновага ўхшатишади...

— Менинг санъаткор бўлишимга туртки бўлган омил бу Юлдуз опанинг ижодидир. Бу соҳага меҳр қўйишимда унинг қўшиқлари муҳим рол ўйнаган. Унга ҳавас қилиб куйладим, унга ўхшашни истадим. Балки,

овозимнинг ўхшаши ҳам шунандир.

— Сизнингча, бугуннинг идеал хонандаси қандай бўлиши керак?

— Эл хизматида, гастрол сафарларида бўлиб, шу нарасага амин бўляпманки, бугун биз истаймизми-йўқми, кўпчилик одамлар, айниқса, ёшлар ўзлари ёқтирган санъаткорларга тақлид қилишга интилишади: нафақат кийинишда, балки ўзини туттишда ҳам. Шу боис, санъаткорларимиз кийинишда, юриш-туришда, ҳатто айтаётган қўшиғида ҳам миллилтигимиздан келиб чиққан ҳолда иш юриштиша, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда санъатимиз ривожланиб, хонандаларга нисбатан билдириляётган танқидий фикрлар ҳам камайган бўлармиди.

— Рақобат кучайган пайтда санъат йўлини танлагансиз. Қийинчиликларни энгиб ўтиш осон кечмагандир?

— Негадир ўша пайтда менда рақобатдан кўраш ҳисси бўлмаган. Лекин бугун мухлислар назаридан қолишдан қўрқаман.

— Сизни кўпчилик хоразмлик деб ўйлашади.

— Хоразм шеvasида гапирмасам-да мухлисларимнинг кўпчилиги «Хоразмдан-мисиз?» деб сўраган вақтлари кўп бўлган.

Баъзида эса Паркентдан ёки Бўхородан бўлсангиз керак, деб қолишади. Аслида пойтахтликман. Шу ерда туғилиб, шу ерда ўсганман.

— Негадир оила қуришга шошма-япсиз ёки ҳануз ўз муҳаббатингизни кутаясизми?

— Кимнингдир бахти эрта очилади, яна кимникидир аксинча. Ҳамма нарсанинг вақти-соати бўлади. Муҳаббат ҳақида эса ўйлашга ортиқча вақтим йўқ. Лекин қўшиқларимда бу туйғунни тараннум қиламан.

— Мухлисларингиз «сюрприз» ҳам қилиб туришадими?

— Ҳа, бундай совғалар кўп бўлади. Бир марта андижонлик худди ўзимга ўхшайдиган Хуршида исмли бир мухлисим қирқ метрлик мактуб жўнатгани ҳеч эсимдан чиқмайдди. Бундан хурсанд бўлиб, ўша дилномаларга ўраниб суратга тушганман.

— Тўйларга чиқиб, одамларга янада яқинроқ бўлган пайтингизда қайси қўшиқларингизни кўпроқ сўрашади?

— Ассосан, «Ишонма»ни, яна Азим Суюн шеъри билан куйланган «Бу қиз» қўшиғимни сўрашади. Ҳатто, баъзида мухлисларим тўйларни шу қўшиқларим билан бошлашни илтимос қилишади.

— Ўзингиз кимларни тинглайсиз?

— Ҳар қандай яхши қўшиқни имкон борича тинглайман. Лекин Ойбек Ҳамроқулловнинг «Соҳибқироним», Ахрор Усмоновнинг «Ақли калта бўлмасин» қўшиғини қайта-қайта тинглашдан эринмайман.

— Хорижга ҳам тақлифлар бўляптими?

— Ҳа, яқинда Исроил давлатига тақлиф қилишди. Тўғриси, аввалига «У ерда концертимга ким қиради», дея роса хавотирландим. Лекин тарғибот ишлари яхши амалга оширилган экан, залга мен кутгандан ҳам кўп одам йиғилди. Ҳатто улар қўшиқ куйлаётган пайтимда мусиқага ҳамохан рақсга тушиб, менга янада илҳом бахш этишди.

— Бугун ўзбек санъатининг жаҳонда маъқен қай даражада, деб ўйлайсиз?

— Тўғриси тана олиш керакки, кейинги пайтда қўшиқчилигимизнинг эстрада йўналиши ривожланипти дейимиз, аммо бир хиллик кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин айти пайтда жаҳонда ўзбек мумтоз санъатининг обрўси жуда баланд. Масалан, Мунжот Йўлчиёва қайси бир хорижий давлатда бўлмасин, унинг қўшиқларини ҳайрат билан тинглашади. Шу боис, Мунжот опани Европа давлатларига жуда кўп тақлиф қилишади. Унинг хонишларидан завқ олишади.

**Комилжон ҲАСАНОВ**  
суҳбатлашди



## Обуна давом этади

**Хурматли муштарийлар!**

Мана, жорий йилнинг биринчи чорагини ҳам биргаликда яқунладиқ. «Хабар» орқали бир-биримиз билан дийдорлашиб турдик. Ўтган уч ой мобайнида газетамиз обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаган соҳа корхоналарининг раҳбарлари, масъул ходимлари ва фидойи хабарчиларнинг хизматлари натижаси ўлароқ 11 мингдан ортиқ хонандонга кириб борди.

Албатта, бу рақам ўтган йилларга таққослаганда яхши кўрсаткичдир. Аммо апрел ойида газетамиз ададини камайиши кузатилди (жадвалга қаранг). Бу пасайиш 6 ойдан сўнг янада камаяди. Бунинг сабаби аниқ — аксарият ўқувчилар «Хабар»га фақат 1, 3 ва 6 ойга обуна бўлишган.

Тўғри, газетага йиллик обуна бўлишга ҳаммамнинг ҳам иқтисодий томондан имконияти бўлмайди. Лекин обуна мавсуми доимий жараён эканлигини унутмаслик керак. Жойлардаги алоқа корхона ва ташкилотларининг ушбу вазифага масъул ходимлари тарғибот ишларини узлуксиз олиб борсалар, бу каби узилишларга чек қўйилар, ўқувчиларнинг «Хабар»ни ҳар ойда ўқиб бориши таъминланган бўлар эди.

Ўйлаймизки, соҳа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари газета обунасига янада жиддийроқ эътибор қаратадилар. Зеро, «Хабар» — алоқачиларнинг ягона нашридир.

**“ХАБАР” ГАЗЕТАСИГА  
2007 йил учун расмийлаштирилган  
обуна бўйича МАЪЛУМОТ\***  
(2007 йил, 1 апрел ҳолатига)

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	янв.	фев.	март	апр.	июл	окт.
1 Коркандлоғистон Республикаси	1551	1596	1590	1262	682	652
2 Андижон	954	980	958	771	430	420
3 Бўхоро	557	564	558	466	287	279
4 Жиззах	394	421	421	334	118	90
5 Навоий	334	342	342	339	300	300
6 Наманган	390	392	395	321	190	189
7 Самарқанд	627	630	630	445	289	289
8 Сирдарё	370	371	371	285	29	28
9 Сурхондарё	876	867	864	683	164	163
10 Тошкент ш.	32	32	32	32	30	30
11 Тошкент	539	537	549	399	189	188
12 Фарғона	1105	1307	1326	1228	857	821
13 Хоразм	468	494	482	360	209	200
14 Қашқадарё	929	845	803	339	162	161
<b>ЖАМИ</b>	<b>9126</b>	<b>9378</b>	<b>9321</b>	<b>7264</b>	<b>3936</b>	<b>3810</b>

\*Маълумот «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан тақдим этилган.

*Матбуот тарқатувчи*

«Фарғона Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари ходимлар **Фарида ПУЗИРЕВА** ҳамда **Абдувоҳид МАТКУЛОВ**ларни 50 ёшлари билан табриқлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонандоналарига тинчлик-осойишталик, фойзу барака тилайди.

«Хабар» тахририяти жамоаси газетанинг Андижон вилоятдаги мухбири **Мухаммадқодир ОТАХОНОВ**ни тугилган кунин билан муборакбод этади. Унга сизга саломатлик, оилавий хотиржамлик, ижодда баркамоллик тилайди.



КўЗА КУНДА ЭМАС КУНИДА СИНАДИ...

Ўғрилар КАБЕЛЛАРИ МАШИНА ЮХОНАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШАЁТГАНИДА ОЛИСДАН «ДАМАС» МАШИНАСИ ЕЛДЕК УЧИБ КЕЛАРДИ. СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТИШ УЧУН ЯҚҚАБОҒ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОҒЛАМАСИ МАЪМУРИЯТИ ТУМАН ИИБГА ХАБАР ЕТКАЗИБ УЛГУРГАН ЭДИ.